



20 20y « 29 » июнь

№ Қ-289

« ____ » _____ 20__ г.

Сариосиё тумани “Нихолзор”
маҳалласи “Сохибкор” қишлоғи
худудидан “Сохибкор Агро Экспорт”
МЧЖга “Иссиқхона” қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 17 июндаги 05-02/297-сон йиғилиш баёни ва Сариосиё тумани ҳокимининг 2020 йил 3 июндаги 01-20/390-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 17 июндаги 05-02/297-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Сариосиё тумани “Нихолзор” маҳалласи “Сохибкор” қишлоғи худудидан “Сохибкор Агро Экспорт” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 77қ-дала контуридан 5,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони гидропоника усулида “Иссиқхона” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Сохибкор Агро Экспорт” МЧЖ бошлиғи З.Нуровага:
ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Сариосиё тумани ҳокимлиги (Ў.Тўраев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов